



**2024-YIL
30-APREL**

MATERIALLAR TO'PLAMI

**"O'ZBEK ADABIYOTSHUNOSLIGINING DOLZARB
MUAMMOLARI"**
**(Abdulla Qodiriy tavalludining 130 yilligiga
bag'ishlanadi)**

XALQARO ILMIY-AMALIY ANJUMAN

 **Andijon Davlat Universiteti**

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY TA’LIM, FAN
VA INNOVATSIYALAR VAZIRLIGI
ANDIJON DAVLATUNIVERSTITETI**

**“O‘ZBEK TILI VA ADABIYOTI” hamda
“O‘ZBEK ADABIYOTSHUNOSLIGI” kafedralari**

**“O‘ZBEK ADABIYOTSHUNOSLIGINING DOLZARB
MUAMMOLARI”**

(Abdulla Qodiriy tavalludining 130 yilligiga bag‘ishlanadi)

Xalqaro ilmiy-amaliy anjumani materiallari

Andijon, 2024-yil, 30-aprel

Andijon-2024

O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining «Ilmiy-innovatsion ishlanma va texnologiyalarni ishlab chiqarishga tatbiq etishning samarali mexanizmlarini yaratish chora tadbirlari to‘g‘risida» 2018 yil 12 yanvardagi 24-son Qarori hamda Oliy ta‘lim, fan va innovatsiyalar vazirligining 2024 yil 18 yanvardagi 16-son buyrug‘i ijrosini ta‘minlash maqsadida Zahiriddin Muhammad Bobur nomidagi Andijon davlat universitetida “O‘ZBEK ADABIYOTSHUNOSLIGINING DOLZARB MUAMMOLARI” (Abdulla Qodiriy tavalludining 130 yilligiga bag‘ishlanadi) mavzusida xalqaro ilmiy-amaliy anjuman o‘tkazilish to‘g‘risidagi qaroriga muvofiq tayyorlandi.

Mas‘ul muharrir(lar):

**fil.fan.dok. prof. M.A.Tojiboyeva
PhD, dotsent Z. Mamajonov**

Tahrir hay‘ati:

**f.f.d.prof. B.M.Rahmonov
f.f.d.prof. D.Quronov
f.f.d.prof. S.Mirzayeva
f.f.d.prof. M.Tojiboyeva
f.f.n.dots. H.Karimov
PhD. dots. Z.Mamajonov
PhD. dots. Z.Eshonova
PhD. dots. A.Xamraqulov
PhD. O.Qo‘chqorov
PhD. N.Azizov
kafedra o‘qituvchisi N.Matmusayeva
kafedra o‘qituvchisi A.Abdirayimov
kafedra o‘qituvchisi A.Xalimjonov
kafedra o‘qituvchisi T.Tojiddinov
kafedra o‘qituvchisi Sh.Mahmudjonov**

Tahrir nashriyoti bo‘limi muharriri:

A.A.Xomidov

Ilmiy-amaliy konferensiya materiallariga oid mazkur to‘plam, o‘zbek adabiyotshunosligidagi hozirgi muammolar hamda buyuk yozuvchimiz Abdulla Qodiriyning shaxsi va uning asarlari hamda ulardagi dolzarb masalalarga bag‘ishlanligi bilan ahamiyatlidir.

Maqolada keltirilgan statistik ma‘lumotlar, ilmiy-nazariy faktlarning ishonchliligi, imloviy va stilistik xatoliklar uchun muallif o‘zi javobgar.

3. Андижон вилояти ҳокимлиги расмий портали. – Андижон вилояти ҳокимлиги <https://andijan.uz>

4. Бегматов Э. Антропонимлар – антропоцентрик тадқиқ объекти // Ўзбек тили ва адабиёти, 2013. – №3. – Б.36.

Исажон Султоннинг “Алишер Навоий” романи сюжетида шахс талқини

Ибрагимова Дилдора Иномжоновна

Чирчиқ давлат педагогика университети ўқитувчиси

dildoraibragimova1989@gmail.com

Ёзувчи Исажон Султоннинг “Алишер Навоий” романидаги ижодий концепция бадиий тақомили, аввало, сюжетнинг мураккаб тузулганлигида қабариб кўринади. Адабиётшунослик луғатида мазкур атамага қуйидагича таъриф берилади: “Адабиётшунослик луғати”да қайд этилишича: “С. Персонажларнинг “ҳаракат”ларидан таркиб топади. Персонажларнинг макон ва замонда кечувчи хатти-ҳаракатлари ҳам, руҳиятидаги ўй-фикрлар, ҳис-кечинмалар ривожини ҳам ҳаракатдир. Шу ҳаракат типларидан қайси бири етакчилик қилишига қараб С.нинг икки типи ажратилади: а) “ташқи ҳаракат” динамикасига асосланган С.; б) “ички ҳаракат” динамикасига асосланган С. Биринчи типдаги сюжетларда персонажларнинг бирор мақсад йўлидаги хатти-ҳаракатлари, кураши, тўқнашувлари, ҳаётдаги бурилишлар тасвирланади ва шу асосда уларнинг тақдири, ижтимоий мавқеида муайян ўзгаришлар юз беради. Бу нав С.ларда воқеа тўлақонли тасвирланади ва ўз ҳолича ҳам бадиий-эстетик қиммат касб этади. С.нинг иккинчи типда воқеалар ўз ҳолича эмас, персонаж руҳиятидаги жараёнга туртки бериши жиҳатидан аҳамият касб этиб, асар давомида персонажлар ҳаётида, тақдирида ёки ижтимоий ҳолатида эмас, унинг руҳиятида бурилишлар, ўзгаришлар содир бўлади”[1]. Бинобарин, бундай талқин сюжетнинг 2 муҳим типи хусусида тасаввур уйғотади. Биринчи типга мансуб сюжетлар XX асрнинг 60-70-йилларида “урф”да бўлган бўлса, иккинчи типга мансуб сюжет 90-йиллардан кейин янада авж олди. М.М.Дўстнинг “Лолазор” романи, Х.Дўстмуҳаммаднинг “Бозор”, У.Ҳамдамнинг “Мувозанат” романлари “ички ҳаракат динамикаси”га асосланган сюжетга мисол бўла олади. Чунончи, Исажон Султон бадиий сюжетни тарихий-ижтимоий муносабатлар тиғизлигида аниқлаштириб, “воқелик ичида воқелик” тарзида уйғунлаштиради. Унда психологик таранг вазиятлар. Ёзувчининг нима демоқчи бўлганлиги, ҳар қандай вазиятда унинг табиатидаги узил-кесил ўзгаришлар синтактик алоқалантирилади. Демак, дунё адабиётида –

Ф.Достоевский, Л.Толстой сингари ёзувчиларнинг романларида типик характер, типик шароитда юзага келишини ҳам инобатга олсак, масала моҳияти янада ойдинлашади. Ўзбек адабиётида сюжет тплари билан муфассал шуғулланган олим Д.Қуронов [2], Б.Каримов [3], У.Жўрақуловларнинг [4] олиб борган тадқиқотлари юқоридаги мулоҳазаларимизни тўлақонли далолатлайди. Ўзбек романчилиги борасида салмоқли тадқиқотлар олиб борган Қ.Йўлдошев “Ёниқ сўз” китобида бу ҳақда шундай ёзади: “Романдан ўзга деярли барча адабий жанрларда инсон тасвирга олинган воқеа-ҳодисаларга илова эди. Негаки, бу жанрлардаги асарларда воқеа-ҳодиса –сабаб, инсон – оқибат, нари борса иштирокчи тарзида акс эттирилди. Бадий тасвир учун инсон шахси, унинг ўйлари, руҳияти эмас, балки хатти-ҳаракатлари муҳим эди. Алоҳида олинган одам, унинг тақдири, ўйлари, кечинмалари фақат романдагина чуқур ва атрофлича текширила бошланди. Унинг шахсига, туйғуларига эътибор кучайди. Тафсилотлар, воқеа-ҳодисалар инсон руҳиятининг натижалари тарзида қарала бошлади. Шу тариқа романда одам сабаб мақомига кўтарилди. Унда шахсининг мураккаб, чигалдан-чигал, бетартибдан-бетартиб руҳияти акс эттирила бошланди” [5]. Дарҳақиқат, Қ.Йўлдошев романнинг таври ва табиати ўзгариб бораётганлигидан сўз очар экан, ШАХС мақомотининг ҳамма замонларда бирламчи бўлмоқлигини моҳиятан далолатлайди. Шундай бўлган тақдирдагина роман деб аталмиш кўҳна жанрнинг эстетик моҳияти янада кўркамлашуви юзага чиқади. Бунини тарихий романчилигимизнинг янги уфқларига ҳам бемалол истифода этишимиз мумкин. Чунини тарихий романчилигимиздаги сифатдан – мураккаб қатламларга туб бурилиш олиб бориш учун катта масалалар ўз ечимини топди. Жаҳон адабий дурдоналари билан синтезлашув процесси моҳиятнинг ўзига хослиги сари очилган дадил қадамлардан бири бўлди десак, муболаға қилмаган бўламиз.

Романда Алишер Навоийнинг ҳатто пашшага озор бермас фазилятларини ҳам шундай таърифайди:

“Ҳируруд ирмоғи шиддат-ла кўпикланиб, бағридаги тошларни бир-бирига уриштириб оқарди.

– Ҳай, аттанг, – деди кенг елкали, устига енгсиз тўн – аҳо кийиб, елкасига ёй осган, юзида кулгичи бор Муҳаммад Али тағойи. – Семиз этли каклик эди-я, тек турсангиз уриб олиб, қовуриб кабоб қилар эдик.

Сал аввал ёнбағирга бир неча каклик тушган, тағойи ўқ билан урмоқчи бўлганида жияни Алишер – “Йўқ, йўқ, отманг” деб оттирмаган эди.

– Инида полапони бўлса-чи? – деб жавоб қилди устига калта олача тўн ва бежирим этикча кийиб олган, оқ тиниқ юзли, хиёл қийиқ кўзли, ғайратли болакай. – Қизил оғзини очиб чийиллаб, буларнинг учиб боришини кутаётган бўлса-чи? бўйнидаги парининг суйрилиб келиб, қанотига туташгани, бошини бурганида у парларининг қимирлаши, қанот қоқиб учишлари, бир-бирининг ортидан эргашиб юришлари... роса чиройли экан-да.

– Сиз гўзаллигига қарайберинг, мен таъмига қарай, – деди Муҳаммад Али тағойи. – Менинг қорним тўйғай, сиз эса оч қолғайсиз.

Аслида Муҳаммад Али тағойининг ўзи оч қолди-ку? Алишер яйраб кулиб юборди. Беозор қушларни ўлимдан қутқариб қолгани учун шод эди. Тоғажиян қияликдан дарё томон тушиб борарди” [6].

Ёзувчи романда воқелик ичида воқелик қилиш санъатини юксак даражага олиб чиқади. Биринчи бўлим “Ғаройиб ус-сиғар”, яъни чор девоннинг илк девони билан бошланувчи мазкур фаслда “Ҳирий 849” йил дея аталиб, тоға ва жиян орасидаги қуш ови борасидаги мунозараси ўзига хос мантиқий болғамни ҳосил қилади. Навоий ўша пайтлари ҳали хаёлида қуш тили ҳақида асар ёзиш орзусида юрмаган эди. Кейинчалик бу воқелик аста-секинлик билан Навоийда – иймоннинг даражаларини ўзида акс эттирувчи, умуман эътиқод ва маслак муносабатини тифизлаштирувчи қатор дostonларнинг юзага келишига доялик, (импульс) берган бўлса, ажабмас! Негаки, биргина каклик ови доирасида ёзувчи Алишернинг ўспирин дамлари қандай эканлиги, унинг тақдирида мана шундай воқеликлар қандай ўрин тутишини чамалашга катта имкон бериши тайин.

Ҳақиқатдан ҳам тарихий жанр проблемаси адабиётшуносликнинг жуда мураккаб ва мунозарали масалаларидан биридир. Бу ҳақдаги Волтер Скоттнинг машҳур “Айвенго” тарихий романи пайдо бўлгандан бери давом этиб кеиши ҳам шундадир. Собик иттифоқ даврига келиб эса, аввало тарихий жанрга янгича муносабат пайдо бўлди; унинг назарий асослари аоҳида эътироф этилди. Екин шундай бўлса ҳам, мазкур жанр соҳасида рус тарихий романининг асосчиси А.С.Пушкин ва реалист назариётчи В.Г.Белинскийдан тортиб то шу кунгача мунозара давом этиб келади. Ҳатто, мазкур масаланинг мунозарали эканлигидан кўплаб олимлар эътироф этишади. Шунини қайд этиш лозимки, тарихий романнинг замонавий романга қарши қўйилиши мутлақо тўғри эмас. айримлар бу ҳодисани қарши қўйган ҳолда тадқиқ қилганлиги, фикрларнинг, манбаларнинг бир ёқама бўлганигини далолатлайди. Бугун ва ўтмиш эса қарама-қарши томонлар эмас деган хулосани рус олими С.Злобин алоҳида урғулайди. Демак, тарихий

ҳодиса ва тарихий роман тушунчаси ҳамма замонларда ўзининг белгиларига эга бўлганлигини, жанр табиатидан келиб чиқиб ёндашиш муҳимлигини тақозо этмоқда. Исажон Султоннинг “Алишер Навоий” романида ёзувчи олдинги қотиб қолган стретопларни янгилашга кучли ҳаракат қилган. Бизда тарихий деса ҳув бундан фалон йил илгари бўлиб ўтган воқеликни бўрттириб, бежаб. Бўяб тасвирлаш, эскича анъанавий қарашлар тушунилади. Аслида, тарихий романни ёзишдан мақсад – ёзувчи ўша давр воқелигидан оладиган дидактик, ақл-идрок, фалсафий-психологик нуқталарни ҳал қилиш масаласини ўзлаштириш маҳорати билан ўлчанади. Бу маҳорат ҳамиша ўзининг даври билан бевосита боғлиқ ҳолда рўй беради.

Романнинг сюжетида Алишер Навоий характерига хос белгилар хусусиятлар ўта моҳирлик билан тасвирланади. Айниқса, “Гул сайли” бобида бу мунозаралар, мулоқотлар шаклида янада жозибадорлик касб этади. Романнинг “Гул сайли” бобини ёзувчи нега шундай йўсинда идроклаш учун ўқувчига тақдим қилди. Мана шу ерда Ҳусайн Мирзо билан кечган одатий мулоқоти, дунё адабиётида “Хамса”нинг яратилишига ҳам мантиқий урғу берилади. Бу ўзига хослик ёзувчига катта имкониятлар эшигини очиб, сюжет линияларидаги тафсилотлар **изчилигини** тўғри бегилаш модусини инъом қилганлигида кўринади:

“Оламда фасоҳат бобида форсчани олам қуёши дарожотига чиқариб қўйган икки зот яшаб ўтди. Дунёда унга тенглашадиган киши ҳануз йўқ. У икки зотнинг бири Низомий Ганжавийдир, у яратган “Хамса” шеърят осмонида қуёшдай балқиб, бошқа барча қуёшарни хиралаштириб қўйди. Орадан юз йил ўтгач эса, яна бир улуғ зот – Хусрав Дехлавий дунёнинг иккинчи “Хамса”сини битди. Шу тариқа самода икки қуёш порлади.

Кўряписизми? Бир ёнда Ҳид эли то Баҳри муҳитгача ёйилгандир ва унда Дехлавий “Хамса”си порлайди. Бу икки “Хамса” ораси юз йилдир. Салтанатлар илму урфони иа шуҳрат топарлар, дедик. Қолдики, иқтидорда улардан сира камчилиги йўқ, ортиқ бўлса ортиқ, туркий салтанат бутун шон-шавкати ила кўркланса-да, ундай хазинаси йўқтур, мақтанаолмас, ўксик қолмоқдадир. Турк тили оламда улардай қадимий бўлса-да, бу тилни юксакка кўтарадиган киши ҳануз туғилмагандир”.

Абу Абдуллоҳ Кулоҳийнинг ушбу сўзларини жон қулоғи билан тинлаб ўтирган Алишер ва Ҳусайн Мирзо ораларида масаланинг моҳиятига кириб боришлик истаги пайдо бўлади. Чунки улуғ мударрис Абу Абдуллоҳ Кулоҳийнинг ушбу сўзлари тўғридан-тўғри Алишер Навоийга қаратилган эди. Мана шу мулоҳазаларнинг моҳиятида акс этган ҳар қандай иқтидор эгаси сўзсиз тушуниб етишга қодир ботиний англаш сезимлари бўлади. Бу

сезимлар Алишер Навоийда жуда кучли эди. Шу боисдан ҳам, мударриснинг мулоҳазаларини таклиф сифатида қабул қиларди. Дўсти Хусайн Мирзо эса бу ҳақда яна тушунмаган нарсаларини билишга қизиқарди. Бунинг натижасида ўзининг тафаккур миқёсларини ҳам кенгайтиришга ҳаракат қиларди.

Романда сюжетнинг иккинчи типи юсак идроклангани билан аслида, ёзувчининг моҳиятга интилиш мақсади кучилилигини тақозолайди. Чунки Навоий руҳиятининг нечоғли юсаклиги қаршисида теран тасаввурга, аниқлик билан ёндошилмаса кўзланган мақсадга эришиш қийин кечади. Булар қуйидагиларда акс этади:

1) Ёзувчи мударрис Абу Абдуллоҳ Кулоҳий билан кечган ўзаро суҳбатни “Гул сайли” дея атайин номлаб, сюжет тўқималарига усталик билан сингдириб юборади;

2) Мана шу талқин ёзувчининг ижтимоий-тарихий зарурат ўлароқ кейинги тафсилотларнинг композицияда бирикувини расмийлаштиришга кенг йўл очади;

3) Хусайн Мирзонинг дўсти Навоийнинг келажакдаги орзуси – тилларни ўзаро кам тутмаган ҳолда “Хамса” яратиш орзус борлигини идроклаш манераси кучилилиги. Бунинг учун қулай шароит ҳозирлаш муҳимлиги;

4) Мударриснинг воқеликни ўз нутқи замирида баҳолаши, туркий халқларнинг бирдамлигини нафақат илмий, балки бадий обида билан муҳофаза қилишга рағбат уйғотиш инстинктини пайдо этиш тушунилади.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, бадий асарда сюжет вақти билан композиция вақтини мувофиқлаштириб турадиган эстетик категория муҳим роль ўйнайди. Демак, И.Султоннинг тасвир маҳоратида композицион мувофиқлик шартли равишда идрок чашмасидан ибтидо олиб, муаммо кўламининг трансформациясини пайвандлайди. Унда ҳаётнинг мураккаб қатламлари ўзининг ягона эстетик категориясини таъминлайди.

Чунончи, адиб Навоий шахсияти қаршисида улўғвор мақсадларни илгари суради. Демак, Хусайн Мирзо романда давлат ва жамоат, салтанат ишлари билан машғул бўлган бир ҳомий сифатида бағоланса, Навоийга олиб боровчи ҳамма йўллар унинг ҳаётий концепциясидаги комиллик даражаларини сифатлашига мантикий урғу берганлигида кўринади. Проф. Б.Карим эътирофича: “Ижод Пифагор жадвалида тизилган рақамлар кўпайтирмасининг абсолют-ўзгармас такрори бўлмайди, ижод психологияси – жуда мураккаб илм. Аммо чинакам ёзувчилар ички интиуцияси билан, албатта, қандайдир режалар тузади; ўзининг оригинал-индивидуал “абсолют ҳақиқатлар”ига эга бўлади. Акс ҳолда асл дурдоналар ўрнида оддий воқеаларнинг узундан-узоқ, зерикарли стилистик баёнлари

йиғилиб қолади. Адабий-бадий, шаклий-структурал талқин учун эса ҳақиқий санъат обидаси, бадий асар матни муҳимдир”. Дарҳақиқат, олим ҳақ. Унда миллат сажиясини кўтарадиган бир неча хусусиятларга диққат қаратганлигида деб билиш мумкин. Унинг ҳар томонама шаклий-структурал йўсини вақт ўтиши билан такомиллашиб бориши тайин:

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Куронов Д., Мамажонов З., Шералиева М. Адабиётшунослик луғати. – Т., Академнашр. 2013. –Б.289-290.
2. Куронов Д. Чўлпон насри поэтикаси. –Т: “Шарқ”. 2004. –Б.266.
3. Каримов Б. Рухият алифбоси. –Т: “Адабиёт ва санъат нашриёти”. 2015. –Б.368.
4. Жўракулов У. Назарий поэтика. –Т: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт ижодий матбаа уйи”. 2015. –Б. 356.
5. Йўлодшев Қ. Ёниқ сўз. –Т: “Янги аср авлоди”. 2006. –Б.69.
6. Исажон Султон. Алишер Навоий. –Т: “Шарқ”. 2020. –Б.5-6.

MUHAMMAD YUSUF SHE'RIYATIDA LINGVOMADANIY KONSEPTNING IFODALANISHI

G.Hamidova

ADU O‘zbek tili va adabiyoti kafedراسи o‘qituvchisi

Annotatsiya: Maqola Muhammad Yusuf she'rlaridagi lingvomadaniy konseptning ifodalanishiga bag'ishlangan bo'lib, unda millat madaniyatini o'zida jamlovchi, madaniy fonni aks ettiruvchi konseptning qanday omillarga bog'liqligi ko'rsatib berilgan.

Kalit so'zlar: lingvomadaniy konsept, madaniy fon, madaniy konnotatsiya.

Аннотация: Статья посвящается изучению лингвокультурной особенноти в творчестве(стихотворениях) Мухаммада Юсуфа и подытоживает национальное культурное наследие,отражающее взаимосвязь с другими факторами.

Ключевые слова: Лингвокультурная особенность (лингвокультурный концепт), предмет культуры, культурная коннотация.

Annotation:The article is devoted to expressing of linguocultural concept in the poems of Muhammad Yusuf which is shown collector culture of nation, reflector cultural background and other concept.

Key words: linguoconsept, cultural background, cultural meanings.

Xalqaro ilmiy-amaliy anjuman

27.	JADIDLARNING NAVOIYSHUNOSLIK FAOLIYATI Dildoraxon Abdullayeva	147
28.	ISTIQLOL DAVRI O‘ZBEK SHE’RIYATIDA BAXSHI OBRAZI STILIZITSIYASI Eshanova Zilola Qo‘chqarovna	155
29.	НОСИР БУХОРИЙ ВА ШАРҚ МУМТОЗ АДАБИЁТИ НАМОЯНДАЛАРИ Курбонов Солижон Комилович, Худайбердиев Акрам Акбарович	159
30.	ҲОЗИРГИ ЎЗБЕК АДАБИЁТШУНОСЛИГИ МАСАЛАЛАРИ (АБДУЛЛА ОРИПОВНИНГ “МУНОЖОТНИ ТИНГЛАБ” ШЕЪРИ ҲАҚИДА АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР) Обитжон КАРИМОВ Акрам ҲАМДАМОВ Мадина МАМАДАЛИЕВА	171
31.	UCH NIKOYA TANLILI To‘uchiyev Abdunabi Xudoyberdiyevich	175
32.	MUVASHSHANLAR QATIDA YASHIRINGAN TARIX Arofatoy Muydinova	185
33.	HAMZA HAKIMZODA NIYOZIY IJODIDA QO‘SHIQ JANRI Begoyim Karimova	190
34.	Бир асарнинг икки жилоси (Х.Султоннинг “Бобурийнома” романи нашрлари матний- қиёсий тадқиқи) Ситора ТОЖИДДИНОВА	193
35.	ОТЛИЧИТЕЛЬНЫЕ ЧЕРТЫ СОВРЕМЕННЫХ ЛЕГЕНД И ДЕМОНИЧЕСКИХ РАССКАЗОВ Абдурашидова Камола Абдурасул кизи	201
36.	O‘zbek tarixiy romanlarining falsafiy-tarixiy ko‘lami NODIRA Matmusaeva	205
37.	NAVOIY ASARLARINI O‘RGANISH Rasulova Rayxona Baxriddinovna	211
38.	FITRAT HAYOTI VA IJODINING O‘RGANILISHI MASALALARI Vositov Shavkatjon Abdivaxabovich	214
39.	АНДИЖОН ВИЛОЯТИ ОЙКОНИМИЯСИДАГИ ЎЗГАРИШЛАРНИНГ СОЦИОЛИНГВИСТИК ТАҲЛИЛИ. Расулова Гулнора Ахатовна	218
40.	Исажон Султоннинг “Алишер Навоий” романи сюжетида шахс талқини Ибрагимова Дилдора Иномжоновна	222
41.	Muhammad Yusuf she’riyatida lingvomadaniy konseptning ifodalanishi G.Hamidova	227
42.	Jamila Ergasheva va Ma’suma Axmedova asarlarida inson, davr va ruhiyat tasviri Parpiyeva Mavjuda Sobitjon qizi	232
43.	O‘quvchilarda adabiyot darslarida o‘zlashtirish motivatsiyasini rivojlantirishda boshlang‘ich ta’limning ahamiyati Odilova Hamida Ulug‘bek qizi Kimsanboyeva Zarina Arslonbek qizi.	235